## Қарор ва шарҳ

# «Пахта-банк»: ЙИҒИМ-ТЕРИМ НАҚД ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида терим иштирокчилари иш ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш учун ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк» зиммасига йиғим-теримга жалб этилган хўжалик, корхона ва ташкилотларни нақд пул билан таъминлаш вазифаси юклатилган. Бу масъулиятли вазифани оғишмай адо этиш учун банк раҳбарияти қандай чора-тадбирларни кўрмоқда? «Пахта-банк» бошқаруви раиси Қ.Ф.Тошматов бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.***

— Аввало, ҳукумат қарорининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва у айни вақтида эълон қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу йил пахта ҳосили ўтган мавсумлардагига нисбатан мўл бўлиб, у анча барвақт пишиб етилмоқда. Аммо пахтакорлар ибораси билан айтадиган бўлсак, ҳосилнинг даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб. Бинобарин, далаларда ҳар қанча мўл ҳосил етиштирилгани билан қисқа муддатларда йиғиб-териб, саранжомлаб олинмаса, ёғинсочинли кунларга қолиб кетиб, кўп қисми нобуд бўлиши мумкин.

Республика ҳукумати шуни ҳисобга олиб, бу йил терим иштирокчиларига ҳар килограмм пахта учун ўтган мавсумдагига нисбатан қарийб икки баравар кўп ҳақ белгилади. Йиғим-терим ишларини уюшқоқлик билан тезу соз ўтказишни моддий рағбатлантириш мақсадида амалга ошириладиган ушбу тадбирлар кутилган самарани бериши, шубҳасиздир.

**— Қобилжон Фаттоҳович, ҳукумат қарорида теримчиларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилинсин, дейилган.**

— Эътибор берган бўлсангиз, қарорда ҳар қайси русумдаги пахта териш машиналарида ва қўлда терилган бир килограмм пахта хомашёси учун ҳақ тўлаш миқдори белгилаб берилган. Чунончи, икки қаторли, вертикал шпинделли машинада терилган бир тонна пахта учун камида 135 сўм, тўрт қаторлисида терилганда камида 85 сўм, икки қаторли горизонтал шпинделли машинада терилганда камида 45 сўм, қўлда терилган бир килограмм ўрта толали пахта учун камида 5 сўм, ингичка толали пахта учун камида 6,5 сўм ҳақ белгиланган. Бундан кўриниб турибдики, ҳар беш кунлик терим натижаларига якун ясалиб, теримчи (механик-ҳайдовчи)ларнинг ҳақини ҳисоблаб, ҳар беш кунда «Пахта-банк» томонидан Марказий банк билан биргаликда нақд пул етказиб бериш вазифаси юклатилган. Ушбу вазифанинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳозирданоқ биз йиғим-терим учун сарфланадиган маблағлар ҳисоб-китобини чиқариб, резерв қилиб бораяпмиз.

**— Йиғим-терим иштирокчиларига узилишларсиз ҳақ тўлаб бориш нақд пул билан қай йўсинда таъминланади ва бу пулларнинг фақат белгиланган мақсадларга сарфланиши қандай назорат қилинади?**

— Териб топширилган хомашё учун хўжаликлар билан ана шу пахта қийматининг 90 фоизи ҳисобидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилиш, узил-кесил ҳисоб-китобларни эса пахта хомашёсини қайта ишлаш якунига қараб белгилаш қарорда аниқ кўрсатиб қўйилган. «Пахта-банк» ана шу кўрсатмадан келиб чиққан ҳолда хўжаликларни, машина-трактор паркълари, тайёрлов пунктлари ва пахта тозалаш заводларини нақд пул билан таъминлаш чораларини кўради.

Энди ажратилаётган нақд пулларнинг фақат белгиланган мақсадларга сарфланиши масаласига келсак, банкимиз филиаллари бу муҳим ишни ҳар йилгидек қаттиқ назорат остига оладилар. Бунинг учун ҳар бир вилоят ва туманда банк бошқарма ва бўлимларининг раҳбарлари, бош бухгалтерлари ва кредит бўлими бошлиқларидан иборат таркибда махсус штаблар тузилмоқда. Улар хўжалик далаларидан териб олинган ҳосил пахта пунктларига етиб келиб, қабул қилиб олиниб, терим иштирокчиларига ҳақларини тарқатишгача бўлган бутун жараённи кузатиб борадилар. Ҳар беш кунда амалда қанча пахта терилгани туман иқтисодиёт ва статистика бўлимлари маълумотларида кўрсатилганига солиштирилади ва натижага қараб, шу беш кунлик учун етарли миқдорда нақд пул ажратилади. Маблағ берилган сана қўл ва машина терими учун алоҳида тузилган беш кунлик ведомостларда қайд этиб борилади.

Бундан ташқари, банкимизнинг ҳар бир бўлинмаси раҳбари зиммасига алоҳида вазифа юклатилган. Улар фақат амалда терилиб, қабул пунктларига топширилган пахта учунгина нақд пул ажратилиши, бу маблағларнинг бошқа мақсадларга ишлатиб юборилмаслиги, шунингдек, пахта заводлари ва уларга қарашли қабул пунктларининг хўжаликлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб боришлари учун масъулдирлар.

Бир сўз билан айтганда, «Пахта-банк» ўз зиммасига юклатилган вазифанинг муҳимлигини тушуниб, уни бажариш учун бутун чораларни кўради. Ўйлаймизки, хўжаликлар, қабул пунктлари ва пахта тозалаш заводлари раҳбарлари ҳам йиғим-теримга жалб этиладиган барча тизим ходимлари билан банклардан олинган нақд пулларни узлуксиз ҳисоб-китоб қилиб борсалар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорида таъкидланганидек, йиғим-терим уюшқоқлик билан ўтиб, мавсум ҳар йилгига нисбатан муваффақиятли якунланади.

**Суҳбатни «Халқ сўзи» газетаси қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти бўлими муҳаррири Эсирғап БОЛИЕВ ёзиб олди.**




## «САМКОЧАВТО» НУРЛИ МАНЗИЛ АРАФАСИДА

Қадим ва навқирон Самарқанд ўзининг такрорланмас осори атиқалари билан машҳур бўлса, бугун улар сафига автомобилсозлик ҳам қўшилди.

Ўзбекистон—Туркия ҳамкорлигида бунёд этилган автозаводда ҳадемай кичик автобуслар ва юк машиналари «Самкочавто» ёрлиғи билан чиқарила бошланади.

— Завод тўла қувват билан ишга туширилгач, 25 турдаги автомашина, жумладан, юк машиналари, «тез ёрдам», самосваллар, 25 ўриндиқли автобуслар чиқариш мўлжалланмоқда, — дейди қўшма корхона бош директори ўринбосари Сулаймон Ўроқов.

Ҳозирда самарқандлик ёш мутахассислар Туркиянинг «Ота йўл» автокорхонасида ўз малакаларини оширишаётир.



**СУРАТЛАРДА: «Самкочавто» техникаларининг дастлабки намуналари акс эттирилган; туркиялик етакчи мутахассис Аҳмад Ужелге.**

**Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# МУАЛЛИМ-ЎҚУВЧИНИНГ ИККИ КЎЗИ

### Сурхондарёда Билимлар куни 437 минг ўқувчи бодом гулларидай яшнаб мактаб ва лицейларга ўқишга келадилар.

Вилоятда 800 дан ортиқ умумтаълим мактаблари, гимназия ва лицей бинолари таъмирланди. Қўшимча 27 миллион сўмлик жиҳоз ва ўқув воситалари ўрнатилди. Қурувчи амакиларнинг, айниқса, ҳимматлари баланд бўлди: Деновда иккита, Ангор, Музрабод ва Жарқўрғон туманларида биттадан умумтаълим мактаблари биноси қурилиб фойдаланишга топширилди.

Аввалги йилларга нисбат қилиб айтадиган бўлсак, бу яхши силжиш. Лекин мактаб қурилиши бўйича ҳалиҳамон айрим камчиликлар кўриниб қолаётгани бор гап. Капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи А. Зокировнинг айтишича, ҳозир вилоятда 30 та мактабга янги бино қуриш ишлари бошлаб қўйилган. Қурилиш суръатлари бўлса, ҳаминқадар. Масалан, Жарқўрғондаги 15, 26-мактаблар янги биносининг қурилиши 6-7 йилдан буён давом этаётгани бунга далилдир. Заробоғ қишлоғидаги (Шеробод) мактаб қурилиши ҳам қариб кетаяпти. Қумқўрғондаги 16-мактаб бундан қирқ йил муқаддам тупроғи захланган жойда қурилган. Эндиликда деворлари тўкилиб қолган. Янги иморат қуриш ҳақида ўн йилдан буён гап юради. Амалий ишдан бўлса, дарак йўқ.

Вилоятда 578 мактабда 114 минг ўқувчи икки навбат (смена)да, 4 та мактабда уч навбатда ўқиётгани мактаблар қурилишига эътиборни яхшилаш лозимлигини тақозо қилади.

Дарсликлар таъминоти хусусида.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши Сариосиё ва Денов туманларида бирмунча яхши ташкил этилган, дейиш мумкин. Вилоятда 70 минг ўқувчини ҳомийлик кўмаги асосида дарслик билан таъминлаш кўзда тутилган. Жарқўрғондаги Шойдилла полвон фермер хўжалиги дарслик учун 150 минг сўм пул ажратишга қарор қилди. Вилоят матлубот савдо ҳудудий компанияси Бойсундаги Болалар уйи тарбияланувчиларидан 160 нафарини кийимбош, дарслик ва ўқув анжомлари билан сийлади. Бу хайрли ишга бир миллион сўм харжланди.

Бир қатор жамоа корхоналари, хўжаликларнинг ҳимматти ибратлидир. Ҳимматни ҳам айни пайтда ўз вақтида кўрсатмоқ афзал. Масалан, Термиз туманида дарсликларни сотиб олишга биз ёрдам қиламиз, деганлар оз эмас. Лекин... шу йилнинг 28 август кунига қадар дарслик сотаётган туман савдо бирлашмаси ҳисобига ҳомийлардан 20 минг сўм пул тушипти, холос.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Б. Мирзаев ўқитувчиларнинг катта анжуманида, болаларимизни қадриятларимиз, бой тарихимиз руҳида тарбиялаш керак, деб таъкидлади. Бу гап менга, Термиз туманидаги 25-мактабнинг география муаллими билан қилган қисқагина суҳбатим тафсилотини эслатди. Гап-гапга уланиб, муаллимдан: «Туманингизнинг ҳудуди неча квадрат километр? Вилоятники-чи? Вилоятда неча дарё бор? Туманингиз неча тонна ғалла ишлаб чиқаради?» — деб сўрадим. Жавоблар бир мужмал бўлдики... Кўриниб турипти: қизиқмайди. Эҳтимол, у дунёнинг бир четидаги мамлакатнинг ер майдони қанчалигини айтиб беролмасанг, баҳойинг икки бўлади деб, дарсда ўқувчисига талабчанлик қилар. Лекин...

Айтмоқчимизки, мактабларнинг таъмирларию, қурилишлари яхши бўлиб кетар. Лекин ўқувчининг икки кўзи... ўқитувчисида бўлади. Гап ҳурматли ўқитувчиларимизнинг фидойилик билан меҳнат қилишларида.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи»нинг мухбири.**



## Истиқлол моҳияти

***Авазхон РАШИДОВ, Янгийўл туманидаги «Дейл-Карн» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, тадбиркор, фермер ва ҳунармандларнинг «Ташаббус-97» танлови совриндори:***

# «БИЗ ЭНДИ БИР ҲУНАР БОШИНИ ТУТДИК»

**1. Мустақилликни Сиз қандай тушунасиз?**
**2. Эртанги кунни қай тарзда тасаввур этасиз?**
**3. Ўзингиз яшаётган жойда қандай ўзгаришлар содир бўлди?**
**4. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида қўшаётган улушингиздан кўнглингиз тўладими?**

1. Биласизми, инсон тафаккури доимо соф фикрлар, қарашлар, мушоҳадалар билан бойитилмоғи лозим. Менимча, истиқлолдан кейин бизда ана шу тушунчага тўғри ёндошилди.

Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Беҳбудий сингари маърифат чироқлари бизнинг инқилобдан кейин йўқотган ўзлигимиз эди. Ўҳ-ҳў, унгача қанча-қанча илму-урфонларимизни бағримиздан юлиб олишди.

Кейинги етти йил ичида шуларнинг барчаси халқимизга қайтарилганини эсласам озодликнинг нақадар нашъали эканлигини фаҳмлайман.

Қодирийлар меросига етишганимиз бир тарафу халқимизнинг иймони бутланганини бир тараф бўлди. Ахир ота-боболаримиз Қуръони Карим оятлари, Ҳадиси шариф талқинига илҳақ бўлиб кетдиларку. Бугун қайси бир китоб дўконига кирманг, бу муқаддас дастурларнинг ўз она тилимиздаги нусхасини ҳеч бир ҳадиксиз харид қиласиз.

Бугун маърифат илму-урфон бирламчи туйғуга айланди. Ота-боболаримиз мероси эъзоз топмоқда. Оқибати хайрли бўлган бу ишлар — мустақиллик туфайли юз берган буюк ўзгаришлар дебочасидир.

Маънавият ҳақида батафсилроқ тўхталгим келади. Ўтмишда ота-бобомиз маърифатга ошно бўлганиданми, ҳар қалай оиламиз жам бўлди дегунча маънавий меросимиз ҳақида суҳбатлашамиз. Биз учун мустақиллик шунчалар муқаддас тушунчаки, уни менимча бир суҳбат асносида ёритиш мушкул. Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро сингари салаф-солиҳинлар номи улуғланиб, зиёратгоҳлари обод бўлаётгани, «Темур тузуклари»нинг чоп этилиши, бобомизнинг 660 йиллик тўйлари халқаро миқёсда нишонлангани, юртимизга ташриф буюраётган каттаю кичик меҳмонларни лол қолдираётган Темурийлар даври тарихи Давлат музейининг барпо этилиши, ҳазрат Навоий номидаги Миллий боғнинг ташкил этилгани ва ниҳоят, юртимиз шаъни, ўзбекнинг қадр-қимматини жаҳонда баланд тутган зотлар — имом Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний ҳазратларининг қадамжолари обод қилиниб, муборак тўйларига тайёргарлик кўрилаётганини олайлик. Мен буларнинг барини истиқлолдан айрича тасаввур этолмайман.

2. Аслида, келажак бугундан бошланади. Шундай экан, бугунимизга теранроқ назар ташлайлик. Тўғри, ҳали ҳаммамиз ҳам ўтиш давридаги жузъий муаммолар, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган айрим нуқсонларга кўниколмаяпмиз. Бироқ ўтган етти йил давомида Ватанимизнинг буюк келажаги учун озмунча иш қилиндими?! Биргина вилоятимизнинг ўзида ҳозирда ўнлаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатаётир. Истиқлолнинг дастлабки йиллари иш бошлаган корхоналар маҳсулоти хорижга «Ўзбекистонда тайёрланган» деган ёрлиқ билан экспорт қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини айтмайсизми! Ён-атрофимиздаги қайси бир давлатда ўтган етти йил ичида шунчалик ривожланиш бўлди?! Бугун Ўзбекистон ўзининг қудратли машина саноатига эга. Нефть ва газни қайта ишловчи Қашқадарё ва Бухородаги нуфузли корхоналар, ғалла мустақиллиги йўлида биргина шу йил қўлга киритилган ютуқлар — булар эртанги кунимиз нақадар нурафшон эканидан далолатдир.

3. Янгийўлликлар ҳам Ватан тараққиёти йўлида ҳар бир соҳада ибратли ишлар қилишаяпти, деб ўйлайман.

Айниқса, мустақилликдан кейин иш бошлаган корхоналар, қўшма корхоналар фаолиятида, тадбиркору фермерлар эришаётган ютуқларга назар ташлаганингда буюк бунёдкорликдан қалбинг ғурурга тўлади. Янгийўлдаги «Биокимё» ҳиссадорлик жамиятини ёки «Микрэл» қўшма корхонасини олайлик: бир пайтлар фақат техник спирт тайёрланган корхона замирида мустақилликдан кейин бунёд этилган «Биокимё» бугун чиқитсиз технология асосида узлуксиз ишлаяпти. Бу ерда олинаётган истеъмол спирти яқинда жаҳон бозорига чиқади. «Микрэл»да эса дунёда ягона услуб — кунжарадан оқсил олинаяпти. Булардан ташқари ҳозир Янгийўлдаги ўнлаб фермерлар, тадбиркорлар мустақилликнинг етти йиллигини муносиб ютуқлар билан кутиб олишаётир. Умуман, Истиқлол бутун мамлакатимиз аҳли қатори янгийўлликларга ҳам мислсиз имкониятлар йўлини очди.

4. Ҳали имкониятларимиз даражасида ишлаяпмиз, деёлмаймиз. Ўтмишда боболаримиз қатъий амал қилган бир нақл бор: «Бир йигитга қирқ ҳунар оз», деган. Биз энди бир ҳунар бошини тутдик...

**«Халқ сўзи» мухбири Шодиёр КАРИМОВ тайёрлади.**

Яқинда республика Ички ишлар вазирлигининг Тошкент Олий техника билим юрти спорт мажмуида «Инкассатор-98» республика кўрик-танловининг финал мусобақалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Марказий банки ҳамда республика Инкассация бирлашмаси ҳамкорликда уюштирган ушбу мусобақа мамлакатимиз мустақиллигининг 7 йиллиги ва Оила йилига бағишланган бўлиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри вакиллари иштирок этишди.

## ИНКАССАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ

Мусобақа дастуридан инкассаторлар фаолияти билан боғлиқ бўлган турли синов ва машқлар ўрин олган эди. Жумладан, улар пистолетдан нишонга ўқ отиш, уларни ярим қисмларга ажратиш ва йиғиш, белгиланган масофага югуриш, қимматликларни олиб кетаётганда автомашинанинг ишдан чиққан ғилдирагини алмаштириш сингари кўплаб машқларни амалга оширишди. Айниқса, мусобақа қатнашчиларининг савдо ташкилотидан тушум пулини қабул қилиб олиб, машинага кетаётганда йиғувчи инкассаторга бўладиган ҳужумларни бартараф этиш машқларини абжирлик билан бекаму кўст адо этишлари кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. Ҳа, халқимиз бойлиги бўлган савдо пули тушумлари йиғадиган инкассаторлар ҳар эҳтимолга қарши, мана шундай ногаҳоний ҳамлаларга қарши доимий ҳушёр туришлари ҳам фойдадан холи эмас.

Шунингдек, улар Марказий банк ва инкассация бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган инкассацияга тегишли бўлган буйруқ, йўриқнома ва тадбирларга тааллуқли турли-туман саволларга ҳам жавоб беришди, ўзлари тайёрлаб келган бадиий дастурларни намойиш қилишди.

Кўрик-танловда Андижон вилояти вакиллари биринчи, «Тошкент-1» командаси иккинчи ва сирдарёлик инкассаторлар учинчи ўринни эгаллашди. Мусобақа ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## "ИСТИҚЛОЛ: ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ҚАҲРАМОН"

*Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси томонидан мустақиллигимизнинг етти йиллиги ҳамда Оила йилига бағишлаб ўтказилган "Истиқлол: янги давр, янги қаҳрамон" кўрик-танлови якунланди.*

*Кўрик-танлов оила ва соғлом авлод маънавияти, қадимий урф-одатларимиз, миллий ўзлигимиз ҳақида қимматли маълумотлар берувчи, ёшларни истиқлолимизга садоқат, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, мардлик ва ҳалоллик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган бадиий баркамол асарларни танлаб, китоб ҳолида чоп этиш мақсадида ташкил этилганди. Кўрик-танловга 30 дан ортиқ бадиий асарлар, очерк ва публицистик мақолалар келди.*

*Наср бўйича Шойим Бўтаевнинг "Муюлишдаги уй", Темирпўлат Тиллаевнинг "Ворис" қиссалари, шеърият бўйича Икром Отамуроднинг "Сопол синиқлари", Салим Ашурнинг "Сиз эртага келасиз" тўпламлари, публицистика бўйича Султонмурод Олимов, Дилбар Саидова, Мурод Калонхоновнинг мақолалари ғолиб деб топилди.*

*Ғолиблар пул мукофотлари билан тақдирланади.*

**ЎзА.**

SIEMENS

SIEMENS NIXDORF

*Ўзбекистон халқини*

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 7 йиллиги*

*билан чин қалбдан табриклаймиз!*

*Мамлакатнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш ва иқтисодий ривожланишини такомиллаштириш, Ўзбекистон мустақиллигининг гуллаб-яшнаши борасидаги ижодий ва бунёдкорлик фаолиятига янада муваффақиятлар тилаймиз.*

*Биз, шунингдек, республика мол-хомашё биржаси биносида*

*15 сентябрдан 17 сентябргача бўладиган фирмамизнинг*

**"SIEMENS":**
**"АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ"**

*тақдимот-кўргазмаси ўтишини мамнуният билан маълум қиламиз.*

*Кўргазмага соат 16.00 дан 18.00 гача таклифномасиз кириш мумкин.*

LL@887

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 58,28 |
| 1 Австрия шиллинги | 8,19 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 171,38 |
| 10 Бельгия франки | 27,91 |
| 1 Голландия гульдени | 51,03 |
| 10 Греция драхмаси | 3,31 |
| 1 Дания кронаси | 15,13 |
| 1 БАА дирхами | 28,19 |
| 1 АҚШ доллари | 103,55 |
| 1 Миср фунти | 30,37 |
| 1 Ирландия фунти | 144,22 |
| 1 Исландия кронаси | 1,44 |
| 10 Испания песети | 6,78 |
| 100 Италия лираси | 5,83 |
| 1 Канада доллари | 65,62 |
| 1 Хитой юани | 12,51 |
| 1 Қувайт динори | 338,95 |
| 100 Ливан фунти | 6,82 |
| 1 Малайзия ринггити | 24,58 |
| 1 Германия маркаси | 57,57 |
| 1 Норвегия кронаси | 12,54 |
| 1 Польша злотийси | 27,32 |
| 10 Португалия эскудоси | 5,63 |
| 1 Сингапур доллари | 58,49 |
| 1 СДР | 137,36 |
| 1000 Туркия лираси | 0,37 |
| 1 Финляндия маркаси | 18,92 |
| 1 Франция франки | 17,17 |
| 1 Швеция кронаси | 12,48 |
| 1 Швейцария франки | 70,04 |
| 1 ЭКЮ | 113,75 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,78 |
| 10 Япония иенаси | 7,33 |
| 1 Россия рубли | 13,17 |
| 1 Украина гривнаси | 46,04 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,07 |
| 1 Латвия лати | 171,46 |
| 1 Литва лити | 25,89 |
| 1 Молдава лейи | 21,66 |
| 1 Қирғизистон сўми | 5,22 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## Азиз ватандошлар!

Пахта саноати ходимлари номидан барчангизни суюкли мамлакатимиз тарихидаги энг улуғ, энг азиз сана — Мустақиллик байрамининг шонли 7 йиллиги билан самимий муборакбод этамиз.
Тарих олдида жуда қисқа муддат бўлган бу даврда салоҳияти ва тафаккури юксак меҳнаткаш халқимиз ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда жуда катта муваффақиятларга эришди.
Фаровон мамлакат қуришдек эзгу ният билан қилаётган меҳнатларимиз самараси туфайли азиз Ватанимиз қудрати тобора ошиб бормоқда. Бу айни чоғда ҳар биримизга битмас-туганмас куч-ғайрат ато этмоқда.
Мана шундай қувончли ва нурли кунларда ҳаммангизга, оилангизга, ёру биродарларингизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, омад тилаймиз. Ҳар бир хонадондан файзу барака аримасин!

«Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси

LL@958

Shoshtrans

# «ШОШТРАНС»

## АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон халқини гўзал байрам—

## Мустақилликнинг 7 йиллиги

билан муборакбод этади
ҳамда барчага бахт-саодат,
сиҳат-саломатлик,
омад тилайди.

"ШОШТРАНС" акционерлик жамияти бошқаруви.

LL@896




UNIC

# "ЎЗБЕКИНВЕСТ"

## экспорт-импорт миллий суғурта компанияси

жаҳонга танилаётган мустақил
Ўзбекистонимизнинг етти йиллик қутлуғ айёми билан барча
ватандошларни самимий
муборакбод этади.

Она юртимизнинг муқаддас заминида тинчлик ва барқарорликни сўраб, ҳар бир оилада тан-сиҳатлик, хотиржамлик, бахт-саодат ҳамиша ёр бўлишлигини тилаймиз.

Ватанимиз тараққиёти йўлида амалга ошираётган олийжаноб ишларингизда муваффақиятлар тилаб қоламиз.

LL@947

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси «Ўзэнергомахсустаъмир» корхонаси директори М.М.Алибоевга падари бузруквори – Ўзбекистон энергетикаси фахрийси

**Маҳмуджон АЛИБОЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзэнергомахсустаъмир» корхонаси жамоаси корхона директори Мақсуджон Маҳмуджонович Алибоевга отаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган энергетик, Ўзбекистон Республикаси энергетика фахрийси

**Маҳмуджон АЛИБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти раҳбарияти, жамоат ташкилотлари «Физика» кафедрасининг доценти

**Тошкенбой МИРЗАЖОНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Фудмаш Европа» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси «Фудмаш лизинг» инжиниринг корхонаси бош директори Мавлон Шукурович Йўлдошевга акаси

**Эркин Шукурович ҒУЛОМОВнинг**

бевақт вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

UzDAEWOO BANK

**ЎзДЭУ Банк Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 7 йиллиги муносабати билан ўзбек халқини самимий табриклайди, фаровонлик, муваффақият ва бахт-иқбол тилайди. Юртимиз доимо тинч, мамлакатимиз бундан ҳам гуллаб-яшнайверсин!**

*ЎзДЭУ Банк жамоаси.*

ЦЦ@895

---

Intertek Testing services

**ITS**

компанияси

## Ўзбекистон халқини Мустақиллик куни билан чин дилдан табриклайди! Бу гўзал диёрга осойишталик ва фаровонлик тилаймиз!

Жаҳон бозорида ишлаб чиқарилаётган турли хил маҳсулотларни текшириш, синовдан ўтказиш ва сертификация қилиш хизматлари бўйича дунёдаги энг йирик компаниялардан бири бўлиб, биз бугун Ўзбекистонда "UzITS" ўзбек-инглиз қўшма корхонаси сифатида ўз фаолиятимизни очиқ деб, эълон қилишдан миннатдормиз.

Импорт бўйича олиб келинаётган маҳсулотларни энг юксак даражада текшириш, синовдан ўтказиш ва сертификация қилишни талаб қилувчи мижозлар учун биз доимо биринчи ҳамроҳ бўлишдан хурсандмиз.

Биз бу соҳада энг малакали ва тажрибали мутахассислар уюшмасига эгамиз.

Шунинг учун ҳам биз доимо ўз фаолиятимизни олиб бораётган мамлакат ва минтақаларнинг ривожланиши ва гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшишга тайёрмиз, шу билан инсонларнинг ҳаёт даражасини кўтаришдан хурсандмиз.

Мижозларимизнинг бизга бўлган ишончи ва биздан ҳар доим аниқ, фойдали ва самарали хизмат олишларига кафолатимиз билан мағрурланамиз. Бу бизнинг мақсадимиз.

**Ҳар бир инсон, ҳар бир оилага бахт ва осойишталик тилаймиз!**

Тошкент шаҳри, Пойтахт бизнес комплекси, Ҳамид Олимжон майдонининг ғарб томони.
тел: 1377251, 1377252, факс: 1377253

941

---

Dilek enterprise

***Ўзбекистон халқини Мустақиллик байрамининг 7 йиллиги муносабати билан самимий қутлаймиз. Ўзбекистон Республикасининг яқин келажакда энг ривожланган давлатлар қаторига киришига тилакдошмиз.***

**"Дилек Интерпрайз" турк хорижий корхонаси.**

**Ўзбекистон Республикаси,**
**Тошкент шаҳри,**
**Юнусобод тумани, 17-даҳа.**
**Высоковольтный кўчаси, 7-а уй.**

ЦЦ@897

*(Газетанинг навбатдаги сони 1 сентябрь — сешанба куни чиқади).*

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий, И. Худоёров, И. Шоғуломов, Ў. Ҳошимов.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0249, 27714 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — F. Шермуҳаммад.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 23.50* 1 2 3 4 5 6